

МУНДАРИЖА

		Бет
	Кириш	4
1.	“УЗГУМИ” биоўғитининг хусусиятлари.....	5
2.	“УЗГУМИ” биоўғитидан фойдаланиш муддатлари ва меъёрлари...	5
2.1.	Уруғликни дорилашда “УЗГУМИ” биоўғитини алоҳида ва уруғ дориларига қўшиб ишлатиш тартиби.....	6
2.2.	Ўсимликларга ўсув даврида “УЗГУМИ” биоўғитини пуркаш.....	6
3.	Ғалла етиштиришда “УЗГУМИ” биоўғитидан фойдаланиш самарадорлиги.....	7
4.	Пахта етиштиришда “УЗГУМИ” биоўғитидан фойдаланиш самарадорлиги.....	10
5.	Помидор етиштиришда “УЗГУМИ” биоўғитидан фойдаланиш самарадорлиги.....	13
6.	Картошка етиштиришда “УЗГУМИ” биоўғитидан фойдаланиш самарадорлиги.....	14
	Эслатма.....	15

“УЗГУМИ” биоўғитидан фойдаланиш бўйича деҳдон ва фермер хўжаликларига тавсиялар (амалий қўлланма). - Т.: -2015 - 16 бет.

Босишга рухсат этилди 25.02.2015 й. Бичим 84x1081/16.
Шартли босма табоғи 1,0 . Нашриёт ҳисоб табоғи 1,2
Адади 3000.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ИЛМИЙ – ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАЧИЛИК ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА ҒАЛЛА ВА ДУККАКЛИ
ЎСИМЛИКЛАР ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭЖИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирининг ўринбосари,
Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий
ишлаб чиқариш марказининг
Бош директори
Ш.Нурматов
"25" феврал 2013 г.

“УЗГУМИ” БИОЎҒИТИДАН

**Фойдаланиш бўйича
ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР
ХЎЖАЛИКЛАРИГА**

ТАВСИЯЛАР

Тошкент-2015

“УЗГУМИ” биоўғитидан фойдаланиш буйича дехкон ва фермер хўжаликларига тавсиялар (амалий қўлланма). Т.: 2015.-16 бет.

Тузувчилар:

Б.М.Халиков - Ўзбекистон пахтачилик ИТИ директори, к.-х.ф.д.	Н.С.Хушматов - Ўзбекистон Бозор ислохотлари ИТИ директори, и.ф.л., проф.	С.К.Бабоев - Ўзбекистон Республикаси ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти директори ўринбосари, б.ф.н., к.-и.х.
Ш.Абдуалимов - Ўзбекистон пахтачилик ИТИ, бўлим мудир, к.-х.ф.н., к.и.х.	В.В.Бережнова - Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ, лаборатория мудир, б.ф.л.	С.Ж.Саиджонов - Ўзбекистон Бозор ислохотлари ИТИ, бўлим бошлиғи, и.ф.н.
Ш.Ш.Сагдуллаев - Ўзбекистон Республикаси ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти директори, т.ф.д.	Г.Х.Фармонов - Тошкент Давлат Аграр университети, кафедра мудир, и.ф.д.	К.Эшмирзаев - "TBS-GROUP" МЧЖ, маслахатчи, к.-х.ф.н., к.и.х.
И.Эгапов - Суғориладиган ерларда галла ва дуккакли ўсимликлар ИТИ директори ўринбосари, к.-х.ф.н., к.и.х.	А.Х.Мухторов - Ўзбекистон Бозор ислохотлари ИТИ, бўлим бошлиғи, и.ф.н., К.И.Х.	Б.А.Хасанов - Ўзбекистон Республикаси ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, б.ф.д., проф., е.и.х.
А.А.Умаров - Ўзбекистон Республикаси ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти, б.ф.д., проф., е.и.х.	Н.А.Сайбердиев - "TBS-GROUP" МЧЖ маслахатчи, к.-х.ф.н.	Ф.А.Мустаев - Ўзбекистон Республикаси ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти, лаборатория мудир, б.ф.н.

Ушбу тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Кимёлаштириш ва ўсимликларни химоя қилиш воситалари Давлат комиссияси (Давлат кимё комиссияси), МЧЖ “TBS-GROUP”, Ўзбекистон Бозор ислохотлари, Пахтачилик, Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик, Суғориладиган ерларда галла ва дуккакли ўсимликлар ИТИ, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси ва Ўсимлик моддалари кимёси институтлари билан келишилган ҳолда чоп этишга тавсия қилинган.



Ушбу тавсиялар Ўзбекистон Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институтининг Илмий Кенгашида (2013 йил 25 февралдаги 1-сонли баённома) муҳокамасида чоп этишга тавсия қилинган.

Э С Л А Т М А

“УЗГУМИ” табиий бирикмалардан таркиб топган модда бўлсада, ундан соф ҳолда ёки ўғит суспензиясига қўшиб ишлатишида шахсий гигиена қоидаларига қатъий атал қилиши лозим.

“УЗГУМИ”ни пестицид эритмалари билан қўшиб фойдаланилганда мазкур пестициднинг зарарлилик даражасига қараб, жорий этилган барча ҳимоя чораларига қатъий амал қилиши талаб этилади.

Ўсимликларга ишлов беришида ОПШ-15-01, ОП-2000-2-01 маркали итангали, ОВХ-28, ОВХ-600 маркали парракли пуркагичлардан фойдаланилади. Эритма шамолнинг тезлиги секундига 3-4 метрдан юқори бўлмаганда, эрталабки ва кечки салқинда пуркалади. Бунда ўсимлик барглариининг бир текис намланишига эътибор бериши лозим. Ёгингарчилик эҳтимоли бўлганда сепишни ёмғир боиланишидан 3-4 соат илгари якунлаш ёки уни тўхтатиши зарур. Ушбу биоўғитни қўллаш борасидаги тажрибаларни амалиётда ва бошқа экинларда давом эттириши, улар асосида олинadиган таклиф ва хулосаларга таяниб уни амалий жиҳатдан янада кенг ва хилма-хил соҳаларда фойдаланиши мумкин бўлади.

Биоўғитнинг яроқлилиги ва кафолатли сақланиши муддати - 2 йил.

Биоўғитнинг Ўзбекистон Республикасидаги қайд рақами:4.11.109 06.04.2012 й.

Маълумот ва маслаҳат учун “TBS GROUP” МЧЖ га мурожаат этишингиз мумкин.

Телефон: 238-93-14; 238-93-17. e-mail: info@tbs-group.uz



Тошкент вилояти Занги ота тумани Бўз сув ҚФЙ ҳудудидаги “Фермер хўжаликлари дала мактаби”, “Хуршед” фермер хўжалиги аъзолари М.Ҳафизова ва Б.Ҳафизов ҳамда Д.Холмирзаевлар (ЎзСПЭКИТИ) экинлар ҳашароти ва касалликларга қарши курашишда, шунингдек, ўсимлик ўсиши ва ривожланишини таъминлашда “УЗГУМИ” биоўғитини қўллаш самарадорлиги хусусида суҳбатлашмоқдалар. июль, 2012 й.

6. КАРТОШКА ЕТИШТИРИШДА “УЗГУМИ” БИОЎҒИТИДАН Фойдаланиш Самарадорлиги

Ўзбекистон сабзавот-полиэ экинлари ва картошкачилик ИТИнинг тажриба ва Тошкент вилоятининг бир қатор фермер хўжаликларида олиб борилган тажрибалар ва ишлаб чиқариш синовларида “УЗГУМИ”ни картошка етиштиришда уруғликка экишдан олдин 0,2 л/т меъёрда ишлов бериш, шоналаш даврида 0,3 л/га, гуллаш даврининг бошида 0,4 л/га ҳисобидан пуркаш ҳосилдорликни ошириш (25-29,5 фоизга) билан бир қаторда, сифатли ва экологик соф маҳсулот етиштиришда муҳим омил эканлигини кўрсатди.

Бу эса, фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини оширишга имкон ярагади.

“ДЕҲҚОН БОЙ БЎЛСА, ЮРТ ОБОД БЎЛАДИ”

*Ислоҳ Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

Амалий қўлланма ғалла, пахта, картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда қишлоқ тадбиркорлари, шунингдек, «Ўзпахтасаноат» ва «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик жамоаларининг уруғликларга марказлашган ҳолда кимёвий ишлов беришда иштирок этувчи мутахассислари, соҳага алоқадор барча идора ва ташкилотларнинг ходимлари учун мўлжалланган.

”УЗГУМИ” биоўғити Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг ижобий хулосалари асосида Давлат кимё комиссияси томонидан 2012 йил 6 апрель, 4.11.109-сонли рақам билан рўйхатга олинди, ундан қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов беришда фойдаланиш учун рухсат этилган.

КИРИШ

Давлатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб чоп этилган “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари” тўпламида қайд этилганидек, “... келгуси йилларда ўсимликшунослик соҳасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда илғор технологияларни, хомашё ва сувни тежайдиган замонавий технологияларни, селекция ва уруғчилик усулларини жорий этишга алоҳида аҳамият берилади....”.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳбарлигида мамлакат аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини барқарор қондириб бориш, мавжуд агроресурслардан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида замонавий агротехнологиялар ва инновацион усулларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундай усуллардан энг самаралиси гумин моддалари таснифига мансуб бўлган “УЗГУМИ” биоўғити ҳисобланади.

“УЗГУМИ” биоўғити суяқ, жигарранг бўлиб, экологик тоза табиий хом ашёдан, фаннинг сўнгги ютуқлари – махсус технология асосида ишлаб чиқарилган.

Биоўғит таркибида биологик фаол моддалар: гумин ва фульвокислота тузлари, органик бирикмалар шаклидаги макро ва микроэлементлар, фойдали микрофлоралар мавжуд. Жумладан: органик моддалар қолдиғи 3,9%, гумин кислоталари 20-30 г/л, азот 1,2%, фосфор 1,9%, калий 8,3%, шунингдек, бор, марганец, магний, мис, рух ва кобальт каби микроэлементлар мавжуд. Таркибида мазкур компонентлар юқори даражада бўлганлиги учун ўғит ўзига хос биологик фаолликка ва кенг таъсир доирасига эга.

“УЗГУМИ” биоўғити республикамизда аввал қўлланиб келинаётган ва четдан валютага келтириладиган “Гумимакс”, “Эдагум СМ” препаратларидан кимёвий таркиби ва хусусиятлари жиҳатидан устунлиги, нархининг пастлиги (қарийб 3,2 баравар) билан фарқ қилиб¹, импорт ўрнини босувчи, энг асосийси тўлиқ маҳаллий хомашё ҳисобига ишлаб чиқариладиган биоўғит ҳисобланади.

“УЗГУМИ” табиий стимулятор сифатида қурғоқчилик, шўрланиш, юқори ҳарорат ва совуққа чидамликни оширувчи - антистрессант, касалликка чидамликни таъминлайдиган - иммуномодулятор ва ҳар қандай нохуш шароитларга мословчи, касалланган ўсимликларни тез даволанишини таъминлайдиган - адоптоген, пестицидлар зарарини камайтирувчи - антидот ҳисобланади. Унинг бу хусусиятларга эга эканлиги республикамиздаги қатор илмий-тадқиқот институтлари томонидан ўтказилган синовларда ўз тасдиғини топган.

Жумладан, 2010-2011-йиллар давомида Ўзбекистон пахтачилик ИТИ, Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар ИТИ, Ўзбекистон сабзавот-полиэкинлари ва картошкачилик ИТИ, Ўзбекистон Фанлар Академияси таркибидаги Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси, ўсимлик моддалари кимёси институтларида олиб борилган тажрибаларда ўсимликлар уруғларини экишдан олдин намлаш ва вегетация даврида 2 марта ўсимликка биоўғит эритмасини пуркаш ҳосилдорликни: пахтада 12-17 фоизга, ғаллада - 13-20 фоизга, сабзавот ва картошқада – 13-22 фоизга ошириши ҳамда маҳсулот сифатини яхшилаши исботланган.

Ушбу қўлланмада республикамиз қишлоқ хўжалигида “УЗГУМИ” биоўғитини қўллаш меъёри, давомийлиги, мавсуми, тартиби ва шарт-шароитлари синов ва тажриба натижаларига таянган ҳолда баён этилган. Шунингдек, уни қўллаш туфайли эришилган иқтисодий самарадорлик натижалари келтирилган.

¹ Деҳқон ва фермер хўжалиқларига Гумимакс препаратидан фойдаланиш бўйича тавсиялар (амалий қўлланма). – Т.: ЎзБИИТИ, - 2010. - 20 бет.

ўтказилган синов натижалари бўйича олинган хулосалари асосида амалга оширилган (2011 й.). Шунингдек, “УЗГУМИ” биоўғитини қўллашнинг самарадорлиги Фарғона вилоятининг Фарғона туманидаги “Рахмонали Кенжаев”, Бухоро вилояти, Жондор туманидаги “Инсон меҳри муқаддас”, шу туманнинг “Худой Борот яйловзори”, Наманган вилояти, Наманган туманидаги “Абдурахим бобо”, Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги “Имкон”, Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги “Ахмад Саид” фермер хўжалиқлари далаларида ўтказилган ишлаб чиқариш синовлари билан ҳам тасдиқланди (2011-2012 йй.).


5. ПОМИДОР ЕТИШТИРИШДА “УЗГУМИ” БИОЎҒИТИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

Ўзбекистон сабзавот-полиэкинлари ва картошкачилик ИТИнинг тажриба ва Тошкент вилоятининг бир қатор фермер хўжалиқларида “УЗГУМИ” билан помидор уруғини бир тоннасига 0,2 литр ҳисобида экишдан олдин ишлов бериш, шоналаш даврида гектарига 0,4 литр, гуллаш даврининг бошида 0,6 литр меъёрда пуркаш бўйича ўтказилган тажриба ва синовлар, ушбу ўғитнинг ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишига ижобий таъсир этиб, ҳосилдорликни 13-25 фоизга ошириши мумкинлигини кўрсатди.

Шу билан бирга, олинган ҳосилнинг технологик сифатлари юқори бўлиб, ҳосилни узоқ масофаларга ташиш чидамликни ортишига, мевасининг бозоргир бўлиб шаклланишига ҳамда истеъмол хусусиятларининг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатар экан.



Тошкент вилояти Занги ота тумани Бўзсув ҚФЙ ҳудудидаги “Фермер хўжалиқлари дала мактаби”да “УЗГУМИ” биоўғитини қўллаш жараёни, “Қурбонбек-Спобеков” фермер хўжалиги раҳбари Ю.Жакупов ва “Бек” фермер хўжалиги раҳбари Б.Шерматовлар олимлар билан сабзавот экинларининг ҳашарот ва касалликларига қарши курашда ҳамда ўсимлик ўсиши ва ривожланишини таъминлашда “УЗГУМИ” биоўғитини қўллаш самарадорлиги борасида суҳбатлашмоқдалар. июль, 2012 й.



6-расм. “УЗГУМИ” биоўғитининг пахта ҳосилдорлигига таъсири⁸, ц/га.

ҲУРМАТЛИ ФЕРМЕР ВА ТАДБИРКОРЛАР !

Пахтачиликда бир литр “УЗГУМИ” биоўғитини қўллаш Сизга қуйидагича фойда келтириши мумкин

1. Бир литр “УЗГУМИ” биоўғитининг нархи 35,0 минг сўм	
Бир гектар ғўза майдонида 0,735 литр препарат сарфланади.	
Шу жумладан:	
- уруғликка ишлов беришда	0,0379 л/га – 1,33 минг сўм
- ғўзани шоналаш даврида	0,5 л/га – 17,5 минг сўм
- ғўзани гуллаш даври бошланишида	0,6 л/га – 21,0 минг сўм
Жами харажат	39.83 минг сўм
2. Бир гектарга “УЗГУМИ” биоўғитини қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги:	
- Биоўғитни қўллаш натижасида олинган қўшимча ҳосил, – 4,5 ц/га	
- Биоўғитни қўллаш натижасида олинган фойда:	
а) 1 гектар экин майдони ҳисобига	– 846,00 минг сўм
б) 1 литр биоўғит ҳисобига	– 743,41 минг сўм

Изоҳ: Ушбу ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Тошкент, Сурхондарё ва Наманган вилоятлари филиалларининг тажриба хўжаликларида

⁸ Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Тошкент, Сурхондарё ва Наманган вилоятлари филиалларида “УЗГУМИ” биоўғити самарадорлигини аниқлаш борасидаги тажрибалари ҳисоботи (2011 й.) асосида тузилган.

⁹ Иккинчи нашрда 2013 йил баҳолари асосида қайта ҳисоб-китоб қилинди.

“УЗГУМИ” биоўғитини қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришда кенг миқёсда қўллаш, экологик соф маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш, экинлар ҳосилдорлигини ҳамда хўжаликлар иқтисодий самарадорлигини ошириши шубҳасиз.

1. “УЗГУМИ” БИОЎҒИТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

“УЗГУМИ” биоўғити қуйидаги хусусиятларга эга:

- ✓ ўсимликларнинг касалликларга, шунингдек, ноқулай ташқи таъсирларга (қурғоқчилик, ортиқча намгарчилик, совуқ ва бошқалар) чидамлилигини оширади;
- ✓ кимёвий ўғитлар, жумладан аммиакли селитра сарф миқдорини 20-30 фоизга камайтириш имконини беради;
- ✓ пестицидларнинг ўсимликларга ноқулай таъсирини камайтириш орқали уларни қўллашнинг самарадорлигини оширади;
- ✓ экинлар ҳосилдорлигини ғалла ва пахтада 12-20 фоизга, сабзавот ва полизда 12,9-22,0 фоизга оширади;
- ✓ маҳсулот таркибида витаминлар, қанд, ёғлар, оқсиллар ва бошқалар миқдорини ошириш ҳисобига унинг сифатини яхшилади;
- ✓ ҳосил пишишини 5-8 кунга тезлаштиради;
- ✓ тупроқ маҳсулдорлигини ҳамда сув сақлаш қобилятини оширади;
- ✓ тупроқларда пестицидлар, оғир металллар ва бошқа токсин қолдиқларини бириктириши сабаб уларнинг ўсимликларга, сизот сувларга ва атмосферага тушишининг олдини олиш имконини беради.

“УЗГУМИ” биоўғитининг ушбу хусусиятларга эга бўлган бошқа препаратлардан афзаллиги:

- ✓ асосий таъсир кўрсатувчи моддаларнинг (гумин ва фульвокислоталар) юқори миқдорда бўлиши – 20-30 г/л ва бошқа шу турдаги торф гумин препаратларидан анча кўплигидир;
- ✓ “УЗГУМИ” ўғитининг таъсири уруғнинг униб чиқишидан бошлаб ҳосил пишиб етилгунгача давом этиш хусусияти қурғоқчил иқлим шароитида жуда муҳимдир;
- ✓ атроф-муҳит ва инсон учун экологик жиҳатдан безарар маҳсулот ҳисобланади;
- ✓ “УЗГУМИ” ўғитининг иқтисодий самарадорлиги бошқа препаратлардан анча юқори, чунки унинг нархи анча паст бўлиб харажатларнинг камлиги, уни бошқа ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан биргаликда аралашма ҳолида ишлатиш мумкин.

2. “УЗГУМИ” БИОЎҒИТИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУДДАТЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИ

2.1. Уруғликни дорилашда “УЗГУМИ” биоўғитини алоҳида ва уруғ дориларига қўшиб ишлатиш тартиби

“УЗГУМИ” биоўғитидан фойдаланиш жуда қулай бўлиб, қўшимча сарф-харажатларни талаб қилмайди, чунки, уни уруғ дорилари, гербицидлар ва бошқа пестицидлар билан қўшиб ишлатиш ҳам мумкин. Шунингдек, ўсимликларга пуркаш жараёнида агрегат учликлари (форсункалари)нинг тиқилишига йўл қўймайди.

“УЗГУМИ” биоўғитидан экиш олдидан уруғликка ишлов беришда 1,1-1,4 л/т меъёрда фойдаланиш билан бирга бошқа уруғ дорилар билан (далброн, бронопол, П-4 ва ҳоказо) ҳам қўшиб ишлатиш яхши самара бериши исботланган ҳамда завод

шароитида бевосита дала бошида ҳам дорилашда ишлатиш мумкин.

Юқорида қайд этиб ўтилган илмий-тадқиқот институтлари ўз тадқиқот ва тажрибалари натижаларига асосланиб, “УЗГУМИ” биоўғитидан унумли ва қўшимча сарф-харажатларсиз фойдаланиш учун қуйдагиларни тавсия этмоқда:

Уруғликни дорилашда “УЗГУМИ” биоўғитини уруғ дориларига қўшиб ишлатиш. Дорилагич машина бакига (масалан, Мобитокс-20 бакининг ҳажми 300 литр) ярим қилиб сув қуйилади, керакли миқдордаги уруғ дориси ва “УЗГУМИ” биоўғити уруғлик дон ва чигит учун алоҳида ҳисоблаб солингач, сувнинг қолган қисмини ҳам қуйиб, эритма яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра 1 тонна уруғлик донга тайёрланган эритмасидан 10 литр, шу миқдордаги тукли чигитга 25–30 литр, туксизлантирилган чигитга 15–20 литр миқдорида сарфланган ҳолда ишлов берилади. Бунда 1 тонна чигитга 11-1,4 литр ҳисобидан “УЗГУМИ” биоўғитини иш эритмасига қўшиш ва уруғликка бир текис ва сифатли пуркалишини таъминлаш лозим.

2.2. Ўсимликларга ўсув даврида “УЗГУМИ” биоўғитини пуркаш

“УЗГУМИ” биоўғитини ўсимликларга ўсув даврида минерал ўғитлар суспензияси, гербицидлар ва бошқа пестицидларнинг иш эритмасига қўшиб ишлатиш, ҳашаротларга қарши курашда фақат биологик усулдан фойдаланиладиган жойларда ўғитлар суспензиясига аралаштириб пуркаш ёки соф ҳолда қўллаш мумкин.

“УЗГУМИ” биоўғитини қуйидаги 1 ва 2-жадвалларда кўрсатилган миқдорларда икки марта: буғдойда ўсимликнинг туplash даврида ҳамда найчалаш даври бошида, ғўза, помидор ва картошкада ўсимликларнинг шоналаш даврида, ғўзанинг гуллаш даври бошида, помидорнинг ҳосилга кириш даври бошида, картошкада қийғос гуллаган даврида қўллаш тавсия этилади.


1-жадвал

“УЗГУМИ” биоўғитидан фойдаланиш муддатлари ва меъёрлари


Экин тури	Экишдан олдин уруғликка ишлов беришда	Ўсимликнинг ўсув даврида пуркашда	
Ғўза	1 тонна чигитга 1,1-1,4 литр	Шоналаш даврида гектарига 0,5 литр	Гуллаш даврининг бошида гектарига 0,6 литр
Буғдой	1 тонна донга 1,1 литр	Туплаш даврида гектарига 0,5 литр	Найчалаш даврининг бошида гектарига 0,6 литр
Помидор	10 кг уруғликка 30 мл ўғит 10 литр сувда аралаштирилади. Уруғлик 15 соат димланади	Шоналаш даврида гектарига 0,4 литр	Гуллаш даврининг бошида гектарига 0,6 литр
Картошка	1 тонна уруғликка 0,7 литр	Гуллаш даврининг бошида гектарига 0,3 литр	Биринчи ишловдан кейин гектарига 0,4 литр

ашё салмоғи юқори бўлиб, ўртача 80,0-93,0 фоизни ташкил этмоқда. Бу, фермер хўжаликларига қўшимча даромад олиш ва хўжалик иқтисодини мустақкамлашга имкон яратади.

Пахтачиликда “УЗГУМИ” биоўғитини қўллаш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб, уни 1 гектар экин майдонида қўллаш ҳисобига олинган фойда ўртача 326,79 минг сўмни ташкил этиши, рентабеллик даражаси ўртача 21,2 фоиз бандга ошиши мумкин.



4-расм. “УЗГУМИ” биоўғитининг ғўза ўсиши ва ривожланишига таъсири⁶



5-расм. “УЗГУМИ” биоўғитини қўллаш натижасида қўшимча олинган ҳосил ва ҳосилдорликнинг ўсиши⁷, (ц/га;%)

⁶ Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг “УЗГУМИ” биоўғити самарадорлигини аниқлаш борасидаги тажрибалари (Тошкент вилояти Қибрай тумани) ҳисоботи (2011 й.) асосида тузилган.

⁷ Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Тошкент, Сурхондарё ва Наманган вилоятлари филиалларида “УЗГУМИ” биоўғити самарадорлигини аниқлаш борасидаги тажрибалари ҳисоботи (2011 й.) асосида тузилган.

ҲУРМАТЛИ ФЕРМЕР ВА ТАДБИРКОРЛАР !

2-жадвал

Ғаллачиликда бир литр “УЗГУМИ” биоўғитини қўллаш Сизга қуйидагича фойда келтириши мумкин

Пуркагич идишининг сиғими 600 литр бўлганда пуркагични бир марта тўлдириш учун қанча ўғит сарфланади?

1. Бир литр “УЗГУМИ” биоўғитининг нархи 35,0 минг сўм	
2. Бир гектар буғдой майдонига 1,261 литр препарат сарфланади. Шу жумладан:	
- уруғликка ишлов беришда	0,161 л/га – 5,64 минг сўм
- туплаш даврида	0,5 л/га – 17,5 минг сўм
- найчалаш даврида	0,6 л/га – 21,0 минг сўм
Жами харажат	– 44,14 минг сўм
3. Бир гектарга “УЗГУМИ” биоўғитини қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги: “УЗГУМИ” БИОЎҒИТИНИ ҚЎЛЛАШ НАТИЖАСИДА ОЛИНГАН ҚЎШИМЧА ҲОСИЛ, ЎРТАЧА – 11,0 ц/га “УЗГУМИ” БИОЎҒИТИНИ қўллаш натижасида олинган фойда:	
а) 1 гектар экин майдони ҳисобига	– 553,30 минг сўм
б) 1 литр препарат ҳисобига	– 438,77 минг сўм

Изоҳ: Ушбу ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси ва ўсимлик моддалари кимёси институтлари ҳамда Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институтининг Андижон ва Тошкент вилоятларидаги тажриба майдонларида, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги “Баходир” ҳамда Наманган вилояти Наманган тумани “Абдурахим бобо” фермер хўжаликлари далаларида ўтказилган синов натижалари бўйича олинган хулосалари асосида амалга оширилган (2011-2012 йй.).

4. ПАХТА ЕТИШТИРИШДА “УЗГУМИ” БИОЎҒИТИДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

Наманган, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида олиб борилган тажрибаларда “УЗГУМИ” биоўғитини пахтачиликда қўллаш ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Ҳосил пишиб етилиши 7-8 кунга тезлашади, ғўзанинг вилт касаллиги билан зарарланиши 8-10 фоизга камаяди.

Шунингдек, “УЗГУМИ” биоўғити билан чигитни экишдан олдин 11 л/т, шоналаш ва гуллаш даврида 0,5 л/га ва гуллаш даври бошида 0,6 л/га меъёрларда қўлланилганда битта кўсақдаги пахта вазни 5,6 граммни ташкил этган. Бу назоратга нисбатан 0,6 граммга кўп демас.

Тажрибалардан аниқланишича, “УЗГУМИ” биоўғитини иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиб, уни қўллаш 1 гектар пахта майдонидан қўшимча равишда ўртача 4,5 ц/га ҳосил олинган.

Тадқиқотлар ва ишлаб чиқариш синовларининг таҳлиллари кўрсатишича, “УЗГУМИ” биоўғитини пахтачиликда қўллаш ҳисобига биринчи навга мансуб хом

Ўғит сарфи, гектарига, литр	Гектарига 200 л иш эритмаси сарфланганда	Гектарига 250 л иш эритмаси сарфланганда	Гектарига 300 л иш эритмаси сарфланганда
0,4	0,6 литр	0,48 литр	0,4 литр
0,5	0,9 литр	0,72 литр	0,6 литр
0,6	1,20 литр	0,90 литр	0,8 литр
Амаzone пуркагичи идишининг сиғими 3600 литр, бунда			
0,4	3,6 литр	2,88 литр	2,4 литр
0,5	5,4 литр	4,32 литр	3,6 литр
0,6	7,2 литр	5,76 литр	4,8 литр

Э С Л А Т М А:

Пуркагич идишининг сиғими 600 литр бўлганда идишни бир марта тўлдириши, яъни 600 литр иш эритмаси гектарига 200 литр сарфланганда 3 гектарга, 250 литрдан сарфлаганда 2,4 гектарга, 300 литрдан сарфлаганда 2 гектарга, пуркагич идишининг сиғими 3600 литр бўлганда эса, иш эритмаси гектарига 200 литр сарфланганда 18 гектарга, 250 литрдан сарфланганда 14,4 гектарга, 300 литрдан сарфланганда 12 гектарга етади.

Қўл аппарати ёрдамида пуркалганда иш эритмасининг сарфи гектарига 200 литр ҳисобидан олинади ва ўғитнинг сарф меъёрига қараб ҳар 10 литр сувга 20,0 миллилитр “УЗГУМИ” аралаштирилади.

3. ҒАЛЛА ЕТИШТИРИШДА “УЗГУМИ” БИОЎҒИТИДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ


Ғаллачиликда “УЗГУМИ” биоўғитини ишлатиш қўшимча харажат талаб қилмайди, чунки, уни уруғ дорилари, ўғит суспензиялари ҳамда пестицидлар билан қўшиб ишлатиш мумкин.

Тажрибалар натижаларига кўра, “УЗГУМИ” биоўғитини ғалла етиштиришда қўллаш, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига ҳамда ҳосилдорлигигагина эмас, балки, донининг сифати яхшиланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган.

Андижон вилоятининг Андижон ҳамда Тошкент вилоятининг Қибрай ва Ўрта Чирчиқ (“Баходир” фермер хўжалиги) туманларида ўтказилган тажрибалар ва ишлаб чиқариш синовларининг кўрсатишича, “УЗГУМИ” билан экишдан

⁵ Иккинчи нашрда 2013 йил баҳолари асосида қайта ҳисоб-китоб қилинди.

олдин буғдой уруғлигига 1,1 л/т меъёрда ишлов бериш, ўсимликнинг туплаш даврида 0,5 л/га ва найчалаш даврининг бошида 0,6 л/га меъёрларда икки марта ишлов бериш ўсимлик ҳосилдор поялари шаклланишига ижобий таъсир этган. Жумладан, 1 м. кв майдондаги бошоқлар сони 128 донага кўпайган, 1 бошоқдаги доннинг оғирлиги 0,5-0,8 граммга, 1000 дона дон оғирлигини 1,5-11,1 граммга оширган ва қўшимча равишда гектаридан ўртача 9,4 – 11,0 центнер дон ҳосили олинишини таъминлаган.




1-расм. “УЗГУМИ” биоўғитининг ғалла ўсимлигининг ўсиши ва ривожланишига таъсири²


Шу билан бирга, Андижон суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар ИТИ тажриба хўжалиги даласида ўтказилган синовларда ушбу ўғитни қўллаш буғдой донининг технологик сифат кўрсаткичларига ҳам ижобий таъсир этиб, шаффофлигини 3- 5 фоизга (75-77,5%) ва клейковина миқдорини 3-4 фоизга (31-32%) оширишни, яъни I группа сифатга эга бўлган дон етиштириш мумкинлигини исботлади.

“УЗГУМИ” биоўғити суяқ модда кўринишида бўлиб, кам миқдорларда қўлланилиши боис, унинг 1 гектар ҳисобига ишлатиш билан боғлиқ харажатлари жуда кам. Ўғитни ишлатиш эса, қўшимча сарф-харажатларни талаб этмайди, чунки, амалиётда ушбу ўғит суспензия суяқлигига қўшиб ишлатилади.

² Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институтининг 2010-2011 йилларда “УЗГУМИ” биоўғитини қўллаш натижалари борасидаги ҳисоботи маълумотлари. Андижон вилояти, 2011 й.



2-расм. “УЗГУМИ” биоўғитининг ғалла сифатига таъсири³



3-расм. “УЗГУМИ” биоўғитининг ғалла ҳосилдорлигига таъсири⁴.

³ Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институтининг 2010-2011 йилларда “УЗГУМИ” биоўғитини қўллаш натижалари борасидаги ҳисоботи маълумотлари. Андижон вилояти, 2011 й.

⁴ Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институтининг 2010-2011 йилларда “УЗГУМИ” биоўғитини қўллаш натижалари борасидаги ҳисоботи маълумотлари. Андижон вилояти, 2011 й.